У пайтда ҳадя бўлган, ҳозир эса…

Image not found or type unknown



08:00 / 02.11.2020 1648

Амр ибн Муҳожир айтади: «Бир куни Умар ибн Абдулазизнинг кўнгли олма тусаб қолиб, «Қанийди ҳозир олдимизда олма бўлса… Унинг ҳиди ҳам ширин, таъми ҳам ажойиб», деди. Шунда бир қариндоши унга олма келтирди. Элчи уни олиб келгач, Умар ибн Абдулазиз «Ҳиди қандай ширин, хушбўй! Буни берган кишига олиб боргин-да салом айтиб, «Берган ҳадянгни сен яхши кўрадиган жойга бердик», дегин», деди. Мен: «Эй мўминларнинг амири, ҳадя берган киши амакингизнинг ўғли, ўзингизнинг қариндошингиз-ку? Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадяни еб, садақани емаганларини биласиз-ку», дедим. Шунда халифа: «Шўринг қурғур, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга берилган нарса ҳадя бўлар эди, бугун бизга берилётган ҳадя эса порадир», деди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан